

# **8-декабръ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун**



8-декабръ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

Халқ депутатлари Қизириқ тумани Кенгаши депутати, Қизириқ тумани туман ҳокимининг ўринbosари – оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи Ҳайдарқурова Ойсоат Абдурахматовна ташаббуси билан 8-декабр Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куни муносабати билан “Оила муҳофазаси бурчаги” ташкил этилди.

Бурчак оила ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, хотин-қизларга берилаётган имтиёзлар билан боғлиқ, шунингдек бу борада тизимда амалга оширилаётган турли лойиҳалар мазмун-моҳиятини тушунтиришга доир кўргазмали материалла билан бойитилди.

Хотин-қизларга меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар бўйича билим ва кўниқмаларни эгаллашлари учун зарур шароитлар яратиш, қишлоқ жойлардаги хотин-қизларни оиласидан хусусий тадбиркорликка, ҳунармандчиликка кенг жалб этиш юзасидан курслар билан аёллар яқиндан таништирилди.